

ПОРЛАЙВЕР, ОЛИМПИДАДА МАШЪАЛИ

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!



СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

УЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИКА БОШЛАГАН

№ 168 (17.748)

20 июль 1980 йил, якшанба

Баҳоси 2 тийин.



Москва 1980

Олимпиада ўйинлари халқларнинг тинчлик, ҳамжиҳатлик ва гўзалликка интилишининг ёрқин намоишидир.

Кеча Ватанимиз пойтахти—қаҳрамон шаҳар Москвада, В. И. Ленин номи Марказий стадионда XXII ёзги Олимпиада ўйинларининг машъаласи тантанали суратда ёндирилди. Жаҳоннинг катта спорт анжумани бошланди.

ЖАҲОН СПОРТ БАЙРАМИ

МОСКВАДА XXII ОЛИМПИДАДА ЎЙИНЛАРИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШИ

Совет пойтахти узра Олимпиаданинг бешта халқаси тасвири туширилган байроқ ҳилпиромоқда. Мана шу халқлар Олимпиаданинг олижаноб идеаллари билан жинтлашган беш қитъа спортчилари бирлигининг рамзидир.

Ўзбекистондаги В. И. Ленин номи Марказий стадион Рағиб-баранг байроқлар индек товланиб турибди. Шарний минбар узра кўкна кўтарилиб турган бронза баранг Олимпиада машъаласини қабул қилишга тайёр. Унинг икки томонида: «Тезроқ, баландроқ, кучлироқ» деган Олимпиада шiori ёзиб қўйилган. Бу ерда 19 июль куни жаҳон спорт байрами — Олимпиада-80нинг тантанали очилиш маросими бўлди.

Стадион минбарларида юз мингдан кўпроқ томошабин ўтирибди. Улар орасида барча қитъалардан келган ўн минглаб чет эллик меҳмонлар бор.

Олимпиада ўйинлари — халқаро спорт ҳаётидаги го-лит буюк воқеа бўлиб, халқларнинг тинчликка, ҳамжиҳатликка, гўзалликка интилишининг ақиб эттириди. Леонид Ильич Брежнев Олимпиада катнашчилари ва меҳмонларига йўллаган табриқномасида мана шунини таъкидлади. Совет давлатининг бошқини атлетларга спорт соҳасида янгида-янги муваффақиятларга эришувларини, Москвада Олимпиада кучларини шод-хуррам тилаб билдирган самийи истаклари астойдил маъқуллаб қутиб олинди, ўзлари қодир бўлган барча энг юксак муваффақиятларга ҳалол спорт кўраши орқали эришувга кўнрақ интишини мустаҳкамлади.


Соат 16. Ўзбекистон узра Кюемля курантларининг сардорлари янгради. Фанфаралар даъватига жангитлади. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев XXII Олимпиада ўйинларининг тантанали очилиш маросимида келганлиги тўғрисидаги хабарни стадиондагилар гулдурас қарсақлар билан кутди оладилар.

Совет давлатининг бошқини Халқаро олимпиада комитетининг президенти лорд Килланин, «Олимпиада-80» ташкилот комитетининг раиси И. Т. Новиков ва Халқаро олимпиада комитети протокол бўлимининг бошқини Х. А. Самаранг ҳамроҳлигида марказий ложага чиқди.

Совет Иттифоқининг давлат гимни ижро этилди.



МОСКВА. 1980 йил 19 июль. Леонид Ильич Брежнев XXII Олимпиада ўйинларини очиб деб эълон қилмоқда. Олимпиада машъали ёнildi.



Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кирилленко, А. Н. Косигин, Д. А. Кунаев, А. Я. Пельше, Г. В. Романов, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, К. У. Черненко, В. В. Шербицкий, Г. А. Алиев, М. С. Горбачев, П. Н. Демичев, В. В. Кузнецов, П. М. Машеров, Б. Н. Пономарев, Ш. Р. Рашидов, М. С. Соломенцев, Э. А. Шеварднадзе, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, М. В. Зимянин, К. В. Гусаклов ўртоқлар стадионнинг марказий ложага чиқадилар.

Бу ерда БКП Марказий Комитетининг Биринчи секретари, БХР Давлат Кенгашининг Раиси Т. Живков, БКП Марказий Комитетининг Бош секретари Ле Зуан, МХРП Марказий Комитетининг Биринчи секретари, МХР Буюк Халқ Хурали президиумининг Раиси Ю. Целенбал, ЧКП Марказий Комитетининг Бош секретари, ЧССР Президенти Г. Гусак, ЧССР Хукуматининг раиси Л. Штрогал ҳозир бўлиши.

Ложаларда — турли мамлакатлардан Олимпиадага келган танқиди давлат, сиесий, ва жамоат ароблари, парламент аъзолари, бир қанча давлатлар пойтахтларининг мэрлари, халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари, Халқаро олимпиада комитетининг аъзолари, халқаро спорт федерацияларининг президентлари ва бош секретарлари, дипломатия корпусининг аъзолари, кўпгина мамлакатлардан келган Олимпиада чемпионлари ҳам ҳозир бўлидилар.

Стадион минбарларида СССР министрлари, СССР Раёсатининг депутатлари, республика, Улиа, область партия ва совет ташкилотларининг ҳамда Москва — шаҳрининг раҳбар ходимлари ўтиришди.

Атоқли совет композитори Дмитрий Шостаковичнинг байрам увертюраси ўйинларни очиб маросимни бошланганлигидан дарак берди. Бу увертюра — Москва Олимпиадасининг музика эмблемасидир.

Ўзбекистон саҳифалари — дастлабки олимпиадалар даври томошабинлар кўз ўнгиде бааини жонлангандек бўлади. Югуриш йўлисида улугвор маросим қатнашчилари пайдо бўлади. — Грекча либос кийиб олган йи-

лий байроғини Грециянинг энг яхши спортчиларидан бири — Олимпиаданинг кумуш медали совиндорни яхтари Илдис Хадияевлик кўтариб бормоқда.

Қатнашчиларнинг ёрқин, ранг-баранг намоиши салкам бир соат давом этади. Бу — Москва Олимпиадасида малакатлар ва халқларнинг вакиллари кенг кўлабда иштирок этаётганининг яққол далилидир.

Намоиш охирида Совет Иттифоқининг — XXII Олимпиада ўйинларининг ташкилотчиси бўлган мамлакатнинг делегацияси ўтиб боради. Ўзининг мамлакатининг Халқаро олимпиада ҳаракатига қўшган катта ҳиссаси учун мана шу ўйинларнинг ташкилотчиси бўлиш ҳуқуқига сазовор бўлди. Совет спортчилари бундан 28 йил муқаддам Хельсинкида биринчи марта Олимпиада ўйинларида иштирок этган эдилар. Шундан буюн совет спортчи байроғини Мельбурн ва Рим, Токио ва Мехико, Мюнхен ва Монреал стадионлари узра баланд кўтариб ўтган атлетнашчиларининг Олимпиада чемпионларининг олтин медаллари 260 марта

топширилди. XXII Олимпиада ўйинларида олимпиадаларнинг бутун тарихида совет спортининг энг катта қорамандаси қатнашди. Мусобақалар программасига киритилган Олимпиада ўйинларида 203 турда 560 атлетикани иштирок этади.

Монреалда ўтказилган Олимпиада қаҳрамонларидан бири, классик кураш бўлича Олимпиада чемпиони ва беш марта жаҳон чемпиони Николай Балобин СССР Давлат байроғини В. И. Ленин номи стадионга олиб кирди.

Парад қатнашчилари стадионнинг марказий минбар олдидаги ам-яшил майдонда саф тортиб турадилар.

«Олимпиада-80» ташкилот комитетининг раиси И. Т. Новиков микрофон олдида келади.

У бундай дейди:

Мухтарам ўртоқ СССР Олий Совети Президиумининг Раиси!

Олимпиада онласининг мухтарам аъзолари!

Чет эллик мухтарам меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Ўртоқлар!

«Олимпиада-80» ташкилот комитетининг бундан фаолияти Халқаро олимпиада комитети, халқаро спорт федерациялари ва миллий олимпиада комитетлари билан мустаҳкам алоқа боғлаган ҳолда амалга оширилди.

СССР Олий Совети Президиуми билан Совет ҳукумати XXII Олимпиада ўйинларига доимо катта маддад бериб турдилар.

Ташкилот комитети ўйинларнинг қатнашчиларига спортда энг юксак ютуқларга эришишларида ҳамда ҳалол ва тенг ҳуқуқли мусобақалар тизимисиде Олимпиада мукофотларини олишлари тилайди.


Мен Халқаро олимпиада комитетининг президенти лорд Килланинни сизлар билан танишриш шарафига муассарман, уни сизидилдан табриқлайман.

Халқаро олимпиада комитети президенти лорд Килланин ҳозир бўлганларга муурожаат қилиб, бундай деди:

Хурматли раис Новиков, мени, таништираганингизга учун ташаккур билдираман.

Мен бутун шу ерда барча спортчилар ва судьяларни,

(Давоми тўғривчи бетда).



Спорт делегациялари Ўзбекистондаги В. И. Ленин номи стадионда.

А. Пахомов ва М. Скуржинна фотолари. («ПРАВДА»дан).

ДУСТОНА ВАЗИЯТДА

СССР ҳукумати 18 июль куни Крэмлиннинг Сыздар саройида XXII Олимпиада ўйинларини очилиш муносабати билан қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимиде СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, СССР министрлари, Халқаро Олимпиада комитетининг аъзолари, Халқ-

аро спорт федерацияларининг президентлари ва бош секретарлари, «Олимпиада-80» ташкилот комитетининг аъзолари, миллий Олимпиада комитетларининг ҳамда 1984 йилде ўтказилган қишки ва ёзги

Олимпиада ўйинлари ташкилот комитетларининг раҳбарлари, спорт ҳаракатининг бошқарувчилари, Москва Олимпиадасида қатнашувчи спортчилар, жамоатчилик вакиллари ҳозир бўлидилар.

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин ҳозир бўлган кишиларни СССР Хукумати номидан ва шахсан СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Леонид Ильич Брежнев номидан

самийи табриқлади. Бизнинг мамлакатимизда, деди А. Н. Косигин, Олимпиада ҳаракатининг тартиб ва қондарида, Халқаро Олимпиада комитетининг талабига риоя этилишини таъмин-

ламоқ. Халқаро Олимпиада ҳаракатини амалда жуда кенг кўлабда қўллаб-қувватламоқ учун имкони бўлган ҳамма ишлар бажо келтирилди. Халқаро Олимпиада комитетининг президенти лорд Кил-

ланин ўз кўнгида Олимпиада ўйинларининг муваффақиятли ўтиши борасида спортчиларга қилинган ҳамма ишлар учун миннатдорчилик билдирди. Қабул маросими дўстона вазиятда ўтди. (ТАСС).

ОЛИМПИДАДА МАШЪАЛАСИ ЯНА ТУРТТА ШАҲАРДА ЁНДИРИЛАДИ

19 июль куни Олимпиада машъаласи Таллин ва Ленинград, Киев ва Минск шаҳарларига ҳам етиб келди. Муқаддас аламанг заррачалари Ватанимиз пойтахтида темир йўл орқали олиб келинди ва Олимпиада Москванинг «Йўлдош» шаҳарлари аҳолиси уни завоқ-завоқ билан кутди олди. Масалан, Таллинда тантанали маросимдан эстон композитори

У Найссое ёлган «Олов на-скаси» биринчи марта ижро этилди. Таллиндаги елканли қўнлар маркази бўлган Пиритла, шунингдек футболчиларнинг дастлабки турнир матчлари ўтказилган Ленинград, Киев ва Минскнинг асосий спорт майдонларида 20 июль куни Олимпиада машъаласи ёндирилди. (ТАСС).

Т. ЖИВКОВ МОСКВАГА КЕЛДИ

БКП Марказий Комитетининг Биринчи секретари, БХР Давлат кенгашининг раиси Т. Живков қисқа муддатли дўстона визит билан

18 июль куни Москвага келди. Т. Живков Олимпиада-80 очилишида фахрий меҳмон сифатида иштирок этади. (ТАСС).

Г. ГУСАК СОВЕТ ИТТИФОҚИГА КЕЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг тақлифига буюн, Чехословакция Коммунистик партияси Марказий Комите-

тининг Бош секретари, ЧССР Президенти Г. Гусак дам олиш учун 18 июль куни Совет Иттифоқига келди. (ТАСС).

